Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

# BoysuN

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

2025-yil 22-oktabr
№ 19-20 (6459)

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

## 2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili

## BELLASHUVDA YANA ZULFIYAXONIM IZDOSHLARI



***Odatga ko`ra har yil oktyabr oyida 14 yoshdan 30 yohgacha bo`lgan yosh xotin-qizlar o`rtasida Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga talabgorlarni saralashning tuman bosqichlari o`tkazilishi belgilangan. Tanlovning bu yilgi bosqichida ham kutilganidek, boysunlik Zulfiyaxonim izdoshlarining safi yanada ko`payib, tabiiyki shunga mos ravishda tanlash talablarining salmog`i ham anchayin yuqori bo`ladi. Ishtirokchilar orasida ilk bor hujjat taqdim qilganlarni ham, aksincha tanlovning hadisini olgan anchagina tajribalilarini ham ko`rdik.***

Masalan bugungacha qariyib o`nta she`rlar to`plamini chiqarishga ulgurgan, ko`pchilik uchun tanilgan shoira Tursunoy Abdullayeva, hali o`quvchilik paytidayoq taniqli bolalar yozuvchisi, O`zbekiston xalq yozuvchisi Xudoyberdi To`xtaboyev nazariga tushgan, nasrda, she`riyatda, yaqin yillar ichida tarjimonlikda ham tilga tushishga ulgurgan Shirinmoh To`rayeva haqli ravishda Davlat mukofotiga da`vogarlik qilishga arzirli ijodkor safida edilar. Muhimi, ishtirokchilarning har biri tanlovga kelgusida tumanimiz nomini, sharafini himoya qilishga, Zulfiyaxonim izdoshi degan nomga musharraf bo`lishga arziydigan nomzodman degan katta ishonch, tuyg`u bilan kelishganligi. Yana ham e`tiborlisi, ular tanlov Nizomida belgilanganidek tumanimiz xotin-qizlari orasida o`zining iqtidor va salohiyati, bilim darajasi, ijtimoiy faolligi hamda ibratli xulqi bilan ajralib turganligi bilan ham Respublika darajasidagi nufuzli tanlovda ishtirok etishga haqli edilar.

Ishtiprokchilar 8 ta yo`nalish - fan, ta`lim, adabiyot, madaniyat, san`at, sport, jamoatchilik va axborot texnologiyalari yo`nalishida kuch sinadilar. Hay`at a`zolari ularning mustaqil fikrlashi, keng dunyoqarashi, ijtimoiy faolligi, vatanparvarligi, tashabbuskorligi va kasbiy faolligi kabi xislatlarini alohida e`tiborga olgan holda baholashga harakat qilishdi. Shuningdek, nomzodlarning el-yurt manfaatini ustuvor qo`ya olishi, ma`naviy yetukligi va yetakchilik fazilatlariga ham e`tibor qaratildi.

Tadbir so`ngida so`z olgan tuman hokimi o`rinbosari, oila va xotin qizlar bo`limi boshlig`i Intizor Yaxshiyeva tanlov ishtirokchilarining har biri, erishilgan natijalaridan qat`iy nazar kelgusida tumanimizning lider xotin-qizlari safidan joy olishlari, o`qishda, mehnat foliyatida barchaga o`rnak bo`luvchi yetakchilardan bo`lishlariga ishonch bildirdi.

Tanlov hay`ati a`zolarining xulosalariga ko`ra tuman bosqichi g`olibi deb e`tirof etilgan 7 nafar ishtirokchi qizlarga tanlovning viloyat bosqichiga ishtirok etish huquqi berildi hamda g`oliblar va barcha ishtirokchilar Oila va xotin-qizlar bo`limi tomonidan taqdirlandilar.

**Surayyo G`OZIYEVA,**
**Respublika Ma`naviyat-ma`rifat markazi Boysun tuman bo`limi rahbari.**

## БИЗ ҲАМ ДАСТЛАБКИ ОБУНАЧИЛАР САФИДАМИЗ

***Севимли "Бойсун" газетамиз саҳифаларида туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, Президентимиз ва ҳукумат қарор ҳамда фармонларининг жойлардаги ижроси ва бошқа турли мавзулар қаторида жисмоний тарбия ҳамда спортга оид янгиликлар ҳақида ҳам қизиқарли материаллар билан танишиб келяпмиз.***

Мамлакатимизда, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга оид ислоҳотлар ўз натижасини кўрсата бошлади. Бу борада туманимизда аниқ манзилли ишлар амалга ошириляпти. Бугунги кунда болалар спортини ривожлантириш, ёш спортчилар билан ишлаш, улар орасидан мамлакат ва дунё спорт аренасини забт этишга қодир иқтидорларни саралаш ва тайёрлаш мақсадида махсус спорт мактаби фаолият кўрсатиб турибди. Айни пайтда бу ерда 1147 нафар ўғил-қизлар спортнинг турли йўналишларида профессионал малака ҳамда кўникмага эга бўлиш баробарида вилоят, республика ва халқаро даражадаги мусобақаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келяптилар. Ёш спортчиларимизнинг йирик мусобақаларда эришаётган ютуқлари ҳамда спорт мактабимизнинг фаолиятига бағишланган хабар, мақола ва фоторепортажлар асосан "Бойсун" газетасида чоп этилаётгани, бу энг аввало, бизнинг газета таҳририяти билан олиб бораётган доимий ҳамкорлигимиз самараси деб ўйлайман.

Жамоамиз аъзолари билан келишган ҳолда таҳририят ижодкорлари билан 2026 йилда ҳам кўп йиллик ҳамкорликни яна давом эттириш мақсадида куни-кеча биз туманимиз ташкилот-муассасалари орасида биринчилардан бўлиб, "Бойсун" газетасига 20 нусхада йиллик обуна расмийлаштирдик.



Ўйлайманки, мактабимиз фаолияти, биринчи навбатда ёш спортчиларимизнинг туманимиз шарафини ҳимоя қилиш мақсадида эришадиган муваффақиятлари акс этган ранг-баранг, ўқишли мақолалар бу йил ҳам газета саҳифасидан ўрин олади, албатта. Қолаверса, бу ҳамкорлик натижаси ўларок жамоамиз аъзолари, мураббий ва тарбиячиларимизнинг машаққатли фаолияти, иқтидорли ўқувчиларимизнинг ютуқлари кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилинади.







Туманимиз маънавий-маърифий муҳитида ўз ўрнига эга "Бойсун" ижодий жамоасига эса 2026 йилда ҳам маърифий тарғибот йўлида олиб бораётган машаққатли фаолиятларига омад тилаб қоламиз.

**Мамаюсуф РАХИМОВ,**
**Бойсун туман спорт мактаби директори.**

***P.S: Ўз ўрнида газетамиз жамоаси ҳам мазкур ҳамкорлик ҳамда ижодий жамоамиз меҳнатини қадрлаган туман спорт мактаби маъмурияти ва меҳнат жамоасига миннатдорчилик билдиради.***
***ТАҲРИРИЯТ.***

## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ТОЗАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

ЭКОЛОГИЯ



***Шу кунларда тозалик ва озодалик ойлиги доирасида жойларда атроф-муҳит ва табиатни асраш, кўча, ҳовли ва хонадонларни тартибга келтириш, тозалаш тадбирлари оммавий равшда амалга оширилмоқда.***

Айниқса "Маҳалла еттилиги" раҳбарлигида маҳаллаларимиз ҳудудида кенг кўламли ишлар олиб борилиб, маҳаллаларга туташ катта йўллар ва кўчалар атрофи турли хил чиқиндилардан ҳоли ҳудудга айлантириляпди.

Жумладан, тумандаги корхона, ташкилот ходимлари ташаббуси билан туманимиз ҳудудидан ўтувчи М-39 халқаро автомобил йўлининг Чилонзор маҳалласи марказини кесувчи қисми, шунингдек Бойсун-Дарбанд, Бойсун-Тўда йўллари атрофларида **"Табиатни асрашга ҳар биримиз масъулмиз"** шиори остида халқ ҳашари ўтказилди. Ҳашар давомида халқаро ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар атрофлари турли чиқиндилар, хусусан пластик идишлар, елим пакетлар ҳамда қуриган хас-хашаклардан тозаланди. Чилонзор маҳалласи ҳудудидан ўтган йўл қирғоғидаги дарахт ва ниҳолларга шакл берилиб, оқланди. Уялган чиқиндилар, пластик идишлар махсус техникалар ёрдамида марказлаштирилган чиқинди полиогонларига чиқарилди.

-Инсонлар табитга бўлган муносабатларини ўзгартирмас экан, яқин йиллар ичида экологик муҳит янада оғирлашиб бораверади, -дейди акция иштирокчиси, туман маданият бўлими бошлиғи Ҳамза Бозоров. –Биз бугун она табиатимизни, сайёрамизни улкан чиқиндихонага айлантириб юбордик. Жабрини эса табиат билан баб-баробар биз-инсонлар чекяпмиз. Табиатга бераётган озоримиз ўзимизга қайтаяпди. Табиатни асрашга қаратилган бу каби акциялар кўпгина давлатларда аллақачон оммалашиб, яхши самара бермоқда. Ўзбекистонимиз учун, унинг бетакрор табиатини, экологик муҳитини асраб қолиш учун бизда ҳам мана шундай ҳашарлар оммалашиб бораётгалигини барчамиз қўллаб-қувватлашимиз даркор. Энг муҳими халқимизда экологик маданият тезроқ шакилланиши лозим, акс-ҳолда глобал экологик хатарга рўпара келамиз.

Дарҳақиқат, бугунги вазият юртимизда экологик барқарорликни шакллантириш учун барчанинг ҳаммаслак, ҳамфикр бўлишлигини талаб қиляпди. Хонадонлар, маҳаллаларимиз, ташкилот-корхоналаримизда тозалик-озодаликка эътибор қаратиш –бу энг аввало ўзимизга ғамхўрлик қилиш, ўзимизнинг саломатлигимизни асраш билан баробар эканлигини ҳис қилишимиз керак. Азалдан хонадони, уй-ҳовлисини озода ва покиза тутиш халқимизнинг энг ибратли одатларидан бири бўлиб келган экан, демак биз бугунги авлод вакиллари ҳам аждодларимиздан қолган ана шу удумларга, анъаналарга содиқ қолган ҳолда она табиатимизни асраш учун масъулятни унутмаслигимиз лозим.

**Беҳзод НОРҚУЛОВ,**
**Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар бўйича туман ҳокимининг етакчи мутахассиси.**

## РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ЎҚУВ-СЕМИНАР

***Шу кунларда мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик кўриш ишлари бошлаб юборилди.***





***Жумладан, жорий йилнинг 13-21 октябр куларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш тўғрисида"ги ПФ-0173-сонли Фармонига кўра 2026 йилда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш бўйича туманимизнинг олис ҳудудида жойлашган 30 та "маҳалла еттилик" ходимлари учун ўқув семинарлари ташкил этилди. Таклиф этилган "маҳалла еттилик"лари ҳамда бошқа алоқадор ташкилот, идоралар вакиллари иштирок этган семинарда Сурхондарё вилоят Статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мансур Раҳмонов, Бойсун туман статистика бўлими бошлиғи Анвар Саидовлар аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг аҳамияти ҳамда мазмун-моҳияти ҳақида маълумот бердилар. Муҳим тадбирни юқори савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.***

2026 йилнинг 15 январидан 28 февралига ўтказилиши белгиланган йирик тадбирни ўтказиш бўйича бугунгача республика комиссияси ташкил этилди. Шунингдек, фармонда белгиланган тартиб асосида вилоят, туман ва шаҳар штаблари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти назорат қилинади.

Ўқув семинари давомида, шунингдек, рўйхатга олиш "маҳалла еттилиги"ни жалб қилган ҳолда амалга оширилишининг тартиб ва механизмлари ҳақида батафсил тушунча бериб ўтилди. Хусусан, рўйхатга олиш жараёнида аҳоли ва қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, планшет орқали сўровнома шаклларини тўғри тўлдириш, қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш бўйича услубий тавсиялар берилди. Тадбир сўнггида эса семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Ушбу мавзудаги ўқув-семинарлар туманимиздаги барча маҳаллалар кесимида ўтказилиши ҳам белгиланган.

**Азамат ҒАФФОРОВ.**

БОЙСУН

Азиз муштарийлар!



ОБУНА 2026 ЙИЛ

2026 ЙИЛ УЧУН "БОЙСУН" ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0400429681001, ИНН:202173689)

Йиллик обуна баҳоси — 300000 сўм.

# МЕНИНГ ЗИЁЛИГИНА ЭНАМ

***Онам ва отам бир синфда ўқишган. Айниқса, онам китоб ўқишга ҳавасманд эдилар. Бисотларида қанча китоблари бўлса биз болаларга эринмай ўқиб берардилар. Оилада 11 нафар ўғил-қиз ҳаминқадар ҳовлида катта бўлганмиз.***

Уй ишлари ёшимизга қараб тақсимланар, шунданми мактабдан ташқари вақтда ҳар биримиз уйда қилишимиз керак бўлган ўз вазифаларимизни аниқ билардик. Бироқ ана шу юмушлар ичида онам учун бизнинг китоб мутолаа қилишимиз энг асосийси эди. Мабодо бирор сабаб билан ўзимизга юклатилган уй юмушларига улгурмасак кечиримли, аммо китоб ўқимаслик учун албатта танбеҳ олишимиз тайин эди.

Аввалига ҳали ўқишни билмаган пайтларимизни энам бизга ўзлари китоб ўқиб бергич эдилар. Тушунмаган, англамаган жойларни қайта-қайта ўқир, саволларимизга эринмай жавоб берардилар. Оиладаги хат-саводи чиққан болалар ҳар кун ўзлари китоб ўқишга мажбур эдилар.

Ҳа, айтмоқчи бизнинг болалик пайтларимизда китоб ўқишнинг энг қулай, завқли палласи барча бирлашиб пахта чигитлаш вақтида бўларди. У замонларда қўшни туманларга икки-уч ойлаб пахта термида бўлиб қайтган болаларга эналаримиз албатта икки-уч ёстиқ пахтасиз келма, дея тайинлашарди. Ўйлаб қарасам, фалон миллион тонна пахта етиштирган юрт оддий оилаларининг эҳтиёжи учун ўша зорманда пахта сотувда бўлмаган экан-да. Хуллас, эналаримиз махсус тайёрлаб берган ёстиқ жилдларига солиб, хуфёна олиб келинган ўша пахталарни чигитдан ажратиш асосан кечки овқатдан кейин бўлар ва биз болалар энамнинг атрофида ўтириб у кишининг ҳикояларини тинглаб ёки китобхонлик қилган ҳолда ярим тунгача вақтни ўтказардик.

Энам ҳеч қачон бекор турмасдилар. Ҳар йил икки-уч марта гилам, кигиз қўйгувчи эдилар. Ҳамсоя момо – Мейнихол момомиз бу ишларга бош-қош бўлардилар. Баҳор ойининг аввалида албатта, ҳамсоя момо бошчилигида ҳовлимизда сумалак қўйилар, ўшанда ҳам онамнинг “Ҳай, сумалакка маҳлиё бўлиб китоб ўқиш эсдан чиқмасин, уйинг буғдойга тўлгурлар”, дея танбеҳ бериш эсларидан чиқмасди. Сумалак атрофида тонггача Мейнихол момонинг афсона-ю эртаклари, турли латифаларини эшитиб завқ олардик, биз болалар.

Бугун энди ўша завқли кунлар олисда, бироқ ўша олис йилларнинг биз учун хотиралари унутилмас. Энди ўйлаб қарасам бизни китобхон қилган, ўзи ҳам китобга ҳавасманд бўлган онажоним мен билган энг зиёли инсон эканлар. Одатда биз катта-катта олийгоҳларда ўқиган, илмли инсонларни зиёли дейишга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, менинг энамга ўхшаган ҳар бир қадамида фарзандларига китоб ўқишни эслатишдан чарчамаган, болалари китобхон бўлишини орзу қилган кишилар ҳақиқий зиёли эканлар, ўйлаб қарасам.

Бугун ёшларнинг китобдан, китобхонликдан узоқлашиб кетганлиги, китоб ўқишдек завқли онларни ижтимоий тармоқларда ўтириб беҳуда ўтказишларининг асосий сабаби замонамизда менинг энамдек, ҳамсоя момом – Мейнихол момодек зиёли оналарнинг етишмаётганидандир балки...

## МЕҲР-ОҚИБАТ ИНСОН ЗИЙНАТИ

### ОЛИС ХОТИРАЛАР

Бугун деярли барчага аён бу мақолни мен илк марта ҳамсоямиз Мейнихол момомдан эшитганман.

Мейнихол момо яқин қўшнимиз, шоир Усмон Азимнинг волидалари. Би-ир дарё, хушфеъл, шоиртабиат, маталчи, кайвони момо эдилар, раҳматлик. Маҳалланинг бирор маъракаси Мейнихол момосиз ўтмасди. Қачон “Суюнчи” фильмини кўрсам Мейнихол момом, олис болалигим кўз ўнгимга келади. Гўё фильм ижодкорлари Анзират персонажига Мейнихол момомни прототип қилиб олгандек туюлади менга. Юқорида энам китобхон, кайвони, кўпни билган аёл эканлигини эслатгандим. Шундай бўлишига қарамай у киши ҳам бирор-бир ташвиш туғилиб қолганда “Югур, Мейнихол момонгни чақир, тез чиқаркансиз де”, дея дарров ҳамсоя момомникига жўнатардилар. “Фалон кишининг ўғли армиядан қайтаётганмиш”, деган гап чиқса ҳам, қўшнининг сигири болаласа ҳам, биров хасталаниб ётиб қолса ёки бошқа бир ҳовлига совчи келган бўлса ҳам Мейнихол холага югурамиз.

Эсимда, бир куни қизиқ бир воқеа содир бўлди. Мактабдан қайтсам онам бир аҳволда кўча дарвозаси олдида ўтирибдилар. “Тинчликми, эна, рангингиз ўчган”, дея ичкарига чорладим энамни. “Мени қўйиб тур, югур Мейнихол момонгга, фалончи пияниста қўшни ичиб олиб ҳавлимизга кирибди де, у пиянистага момони кучи етмаса бошқа киши эплолмайди, болам”, дегач ортга қайтдим.

Беш-ўн дақиқада момо мени ияриб уйимизга келдилар. Келгунчаароқхўр қўшнини аввал етти пуштини “таърифлаб“ сўнгра унга инсофу иймон тилаб Худога илтижо қилса денг. “Қизиқ, қўшни ғирт пияниста бўлса, унинг нимасига инсоф сўрайди”, дейман ўзимча. Бироқ бу Мейнихол момога хос хислат: энг ёмон одамдан ҳам яхшилик излайди, ширин муомала қилади.

Биргалашиб уйга кирдик. Пияниста қўшни ўзини билмай айвонда ётарди. Момо аста унга яқинлашиб, “айланай болам, шуйтиб юришинг жигитти иши эмас-да, тур уйингга бор. Қўшнининг эркаги келиб қолса нима деб ўйлайди, Худо кўрсатмасин бир оиланинг бузилиб кетишига сабабчи бўлиб, дўзахи деган ном оласан-ку”, дея қўшни амакини етаклаб олиб чиқдилар. Кейин эшитсам, Мейнихол момо эртаси бир коса кескан ош кўтариб пияниста амакидан хабарлашиб, нечанчи бор яна панд-насиҳатлар қилибдилар.

Мейнихол момо билан боғлиқ яна бир воқеа ёдимда. Дамин бобо деган қўшнимиз бўларди. Ўғли шаҳарга кўчиб кетган, бобо ёлғиз қолгандилар. Шаҳарга боришни ҳам истамаган чоғи. Хуллас, ёши анчага бориб қолган шу киши бирданига кўринмай қолди. Бир кун қарасам ҳамсоя момо ҳар доимги одатларига кўра икки қўллаларини белларига қўйиб Дамин бобонинг уйига қараб кетяптилар. “Тинчликми, момо”, дея овоз бердим. “Дамин қўшни кўринмай қолди, болам, бир гап бўлган шекилли, қариндошлари ҳам хабарлашмай қўйди. Оқибат йўқолиб қоляптими дейман, одамларда” дея ўзларича гапириб, сўнг қўшнининг кўчага қараган деразасини чертиб, икки-уч марта овоз бериб чақирдилар. Жавоб бўлмагач ҳовлига кирдилар...

Кирсаларки Дамин бобо ётган жойида омонатини топширган экан. Мейнихол момо дарҳол марҳумнинг қариндош-уруғларини хабардор қилиб, улар келгунча қўни-қўшни билан уйларни саранжомладилар. Кейинги маъракаларига ҳам ўзлари бош бўлиб, марҳумнинг иззатини жойига қўйдилар.

–Меҳр-оқибат ҳар кунда керак, болам дегандилар ўша воқеадан кейин момо. – Сен кўп китоб ўқийсан, дунёдан хабаринг бор. Бир кун келиб, унда мен бўлмайман, Мейнихол момом ҳақ эканлар, дейсан. Инсонлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилишидан ёмони йўқ. Инсон тафтини инсон олади. Меҳрсизлик барча ёмонликларнинг онаси, билиб қўй, болам. Меҳр-оқибат – инсон зийнати. Биз шундай халқ, шундай элмиз. Яхшини-яхши, ёмонни-ёмон деб айт, илло уларни бир-бирherидан ажратиб, икки хил муомала қилишни ўрганма. Билгинки, ҳар қандай яхшида бир қусур, ҳар қандай ёмонда бир яхши хислат бўлади.

Мейнихол момо жуда кўп мақол билгич эдилар, иложи бўлса ҳар бир гапни мақол билан бошлаб, мақорл билан тугатардилар. Бир куни фарзандимни етаклаб кўчага чиқдим. Момо дарвоза олдидаги кичик супачада ўтирган эканлар. Менга, боламга завқ билан қараб “Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўласан мендек”, дея хиёл жилмайдилар-да қўшиб қўйдилар: яхши ишлар қилишга улгуриб қол!“

Бугун ёшим бир жойга бориб, Мейнихол момонинг бу фалсафасини англагандекман. Момо бутун умри давомида фақат бошқаларга яхшилик қилишга ҳаракат қилди. У киши гўё гузаримиз, маҳалламиз аҳли учун тарбия мактаби, меҳр-оқибат рамзи эди. Кексайиб, маҳалла-кўйга кириш имконияти чекланган бир пайтда менга айнан ўша мақолни эслатганларининг мазмун-моҳиятида “Кучинг, имконинг борида бошқаларга меҳр-оқибат кўрсатишга, яхшилик қилишга улгуриб қол”, деган маъно мужассам экан.

Йиллар ўтиб барча ака-ука, опа-сингиллар алоҳида уйли-жойли бўлиб кетдик. Баъзан йиғилишиб китобхон энам, Мейнихол момони эслаймиз, улардек инсонлар бугунги кунда қанчалик кераклигини, уларсиз ҳаётнинг қайси бир жиҳатлари кемтиклигини ҳис қиламиз...

**Салима НОРҚУЛОВА, Газа маҳалласи.**

# РЕКТОР ТАЛАБАЛАРГА КИТОБ СОВҒА ҚИЛДИ

***Китоб - ҳаёт дарслиги, барча билимлар асоси, дунё воқе-ҳодисалари, халқлар тарихи ва замона тамаддунидан ҳикоя қилувчи асосий манба. У инсоннинг энг яқин дўсти, маънавий ҳамроҳи. “Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан, тафаккур қилишдан ҳам тўхтайдилар, деган эди машҳур француз ёзувчиси Дени Дидро.***

Одамзот яратган мўъжизаларнинг энг буюги – китобдир. Шунинг учун ҳам донишмандлар: “Бу дунёда агар нимадир йиғиш керак бўлса, бу фақат китоб бўлиши керак”, дея китобнинг бебаҳо маънавий бойлик эканлигига ишора қилишган. Абулқосим Замахшарий: “Хушсифат ва хушхулқлар билан зийнатланмаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди”, деганларида инсонни хушсифат ва хушхулқ қилувчи энг аввало китоб эканлигига ишора қилган бўлсалар не ажаб!

Мен ўзим кўнглимга яқин одамларга иложи борича китоб совға қилишга ҳаракат қиламан. Берган китобим қайси бир хонадонга маънавият, маърифат нурини олиб кираётганлигини ҳис қилган ҳолда кўнглим таскин топади. Шунингдек, ўзимга ўхшаган, инсонларга китоб улашувчилар ҳақида эшитиб қолсам, у ким бўлишидан қатъий назар меҳр-муҳаббатим, ҳурматим, симпатиям ошади ўша инсонга нисбатан.

Яқинда олийгоҳ талабаси бўлган бир шогирдим ўқишга кирганлиги ҳақида мени хабардор қилиш баробарида олийгоҳ ректори Абдуқодир Тошқулов беш минг талабага таниқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” номли китобини совға қилганлигини таъкидлади.

Китобхонликнинг ашаддий тарғиботчиси, ҳар бир сония вақти ҳисобли бўлса-да китобхонлик учун ҳалиям вақт топишга улгураётган Абдуқодир Тошқуловнинг китобхонлик ва болалар тарбияси мавзуидаги чиқишларини мунтазам кузатиб келаман. Агар барча олийгоҳ ва мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар болаларни китобхонликка ўргатишни Абдуқодир Тошқуловдек тарғибот қилиб туришганда, ишончим комилки, бугунги ёшларнинг кўпчилиги аллақачон китобга меҳр қўйган, китобни ўзига маънавий ҳамроҳ деб билган бўларди.



Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган бойсунликлар учрашувида Абдуқодир Тошқулов билан кўришиб, бу ҳақда сўраганимда камтарлик қилиб индамай қўя қолдилар. Кейинчалик мен у кишига яқин яна бир инсондан воқеа тафсилотларига аниқлик киритдим. Талаба-шогирдим ёлғон гапирмаган экан.

Мени яна бир нарса – ректор талабаларга совға қилган китобдаги шахсан у кишининг имзоси билан ёзилган мана бу мазмундаги дастхат ҳайратга солди:

“Қадрли талаба! Талабалик бахтига муяссар бўлганингиз билан табриклайман! 70 йиллик тарихга эга Термиз давлат университетини танлаганингиздан миннатдормиз. Ушбу китоб ҳаётингизда муҳим ўрин тутиб, умрингиз мобайнида буни эслатиб турсин, хонадонингиздаги китоб жавонингизга асос бўлсин.

Эслатма: Ушбу китоб 2054 йил 25 сентябрь, жума куни соат 10-00 да бўлиб ўтадлиган университетимизнинг юз йиллиги учрашув тантаналарига ташриф қоғози бўлади.

**Ректорингиз: профессор А.Н.Тошқулов.**”

Дастхатни қайта-қайта ўқидим. Очиғи, мен учун бу шунчаки дастхатга ўхшаб туюлмади. Ректор ушбу дастхат мазмунига донишмандона тарзда ўз талабаларига нисбатан яхши ниятларни сингдириб юборгандек туюлди, менга. Аввало бу дастхат ёзилган китоб ҳар бир талабанинг бўлғуси хонадонида очилажак шахсий кутубхонасининг дастлабки китоби бўлсин, дея яхши ният қилинган. Бу билан А.Тошқулов ўз анъаналарига содиқ қолган ҳолда, талабаларни китобхон бўлиб вояга етишга, бинобарин, уларнинг ўз шахсий кутубхонаси бўлишини ният қиляпти. Қолаверса, уларнинг барчаси 30 йилдан кейин ҳаётда, меҳнат фаолиятида ўз ўринларини топиб, етук мутахассис сифатида, соғ-саломатликда ўзлари ўқиган олийгоҳнинг шонли юз йиллик тўйини кўришлари насиб этишини хоҳлаяпти.

Биргина китоб, биргина дастхат билан талабаларга, ёшларга бир неча йўналишда ҳаётга интилиш, келажакни яратиш борасида мотивация, туртки беришнинг оригинал усулини қаранг-да!

Абдуқодир Тошқулов бир чиқишларида “Болаларга ота-оналар ҳам, устозлар ҳам “25 ёшгача ўқигин”, деб таъкидлашади. Лекин биз уларга бунинг таъсирчан чораларини қўллашни билмаймиз...” дегандилар.

Назаримда ректорнинг беш минг (бу, ахир кичик рақам эмас) талабага китоб совға қилиши ва уларни шу усулда китобхонликка даъват қилиши у киши айтиб ўтган “таъсичан чоралар”дан бири, деб ўйлайман.

Демак ректор айтган фикрлари, ташаббусларининг амалини ҳаётга қўллаб кўрувчи шахс сифатида ҳам эътирофга лойиқ инсон.

***Тасанно!***

**Дилбар ЙЎЛДОШЕВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

# ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ ОШ БЎЛМАС

***Тадбиркорман деганга ҳалоллик ярашади. Зеро, ҳалоллик билан топилган ризқнинг баракаси ҳам зиёда бўлади. Бироқ биз қуйида тилга олаётганимиз икки тадбиркор – Тожиддин Мухибуллаев ҳамда Насриддин Бозоровларнинг (исмлар ўзгартирилди) ҳар бири бир эмас, икки-уч хусусий корхона раҳбари бўла туриб, тадбиркорликда қинғир йўлларни танлашни афзал кўришди. Уларнинг “иштаҳаси”ни очган эса азза-базза катта бир маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси бўлиб чиқди.***

Асқар Ҳакимов ўз вазифаси доирасидан келиб чиқиб, ўзига ишониб топширилган маҳаллада ҳоким ёрдамчиси сифатида “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури асосида оилавий бизнесни ривожлантиришга бош-қош бўлиши керак эди. Қарасаки, унга бу борада мурожаат қилаётганларнинг аксарияти оддийгина инсонлар. Билса ҳазил, билмаса чин қабилида иш тутди-да, мурожаат қилувчилардан бири – Ҳусниддин Исмоилов номига асаларичиликни ривожлантириш мақсадида 29,6 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳужжатлаштирди. Ҳужжатлаштирди-ю банк томонидан ажратилган маблағни тадбиркор Н.Бозоров билан хуфёна тил бириктириб унинг раҳбарлигидаги “INTIME томорқа хизмати” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб, фирибгарлик йўли билан шунча маблағни ўзаро қўлга киритишди. Тадбиркор Н.Бозоров ушбу кредит маблағлари эвазига фуқаро Ҳ.Исмоиловга бериши лозим бўлган 110 кг шакар ҳамда 19 яшик асалари оиласи эса шунчаки расмий қоғозларда қолиб кетди.

Бу каби қинғирликлардан бехабар фуқаро Шаҳзода Ғазампарова ҳам тикувчилик йўналишида оилавий бизнесни йўлга қўйиш илинжида маҳалла ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилади. Мурожаатга биноан ҳоким ёрдамчисидан оилавий бизнеснинг фойдаси ҳақида узундан-узоқ умидбахш фикрларни эшитишга эшитди-ю, афсуски, иккита замонавий тикув машинаси ҳамда матолар тўпламини олиш учун ажратилган кредит маблағи қаёққа ғойиб бўлганлигини англамай қолади. Ваҳоланки, бу маблағлар тадбиркор ва ҳоким ёрдамчиси манфаати йўлида Н.Бозоров раҳбарлигидаги бошқа бир - МЧЖ “DREAMS TIME” ҳисобига ўтказилиб, имижимида талон-торож қилинади.

Асқар Ҳакимов мансаб сохтакорлиги борасида муқаддам шу каби жиноятларни содир этиб, тегишли жазо олган собиқ ҳамкасбларидан ҳам пишиқроқ чиқиб қолдики, ҳатто ҳар қандай тартиб ва қонунларни эътиборга олмай ўзи ваколатли бўлмаган маҳаллалар фуқароларини ҳам ўзини гўё ўша маҳалла ҳоким ёрдамчисидек тутган ҳолда чув туширишга улгуради. Жумладан, тадбиркор Тожиддин Мухибуллаев билан гуруҳ бўлгани ҳолда Тузбозор маҳалласида яшовчи Нафиса Пардаевага тавсиянома бериб, унинг номига банк муассасасидан 31 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига эришади. Табиийки, бу маблағ ҳам ўз эгасига етиб бормай А.Ҳакимовнинг “маслакдоши” Т.Мухибуллаев бошқарувидаги “BOYSUN QO`SH OLMA” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилиб, оилавий тадбиркорликни бошлаш ниятида бўлган Н.Пардаевага тегишли хизмат кўрсатилмай қолади. Худди шунингдек, уларнинг фирибгарлик тўрига илинган “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи фуқаро Гулмира Алимованинг номига расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида банк муассасасидан иссиқхона барпо этиш мақсадида ажратилган 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари “BOYSUN QO`SH OLMA” МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказилиб, А.Ҳакимов ҳамда Т.Мухибуллаев томонидан ўзлаштириб юборилади.

Албатта, бу каби жиноятлар ҳеч қачон изсиз қолиб кетмаган ва бундай бўлмайди ҳам. Мақоламиз “қаҳрамонлари” – “уч оға-ини ботирлар” бу ҳаётий ҳақиқатни англаб етмаганлари учун бугун бошлари эгик. Ахир шаҳар бедарвоза эмаски, давлат томонидан ажратилаётган миллионлаб имтиёзли кредитлар ўз эгаларига етмай талон-торож қилиниши жазосиз қолса? Узоқни кўра билмаган ҳоким ёрдамчиси бош, унинг жиноятларига шерик бўлиб, ўзлари ҳам бир нимали бўлиш илинжидаги тадбиркорлар ёнбош бўлган жиноий ҳаракатлар оқибати эса кутилганидек уларга берилган муносиб жазо билан якун топди. Ачинарли жиҳати шуки, тадбиркорлар Т.Мухибуллаев ва Н.Бозоровларнинг муқаддам қилинган жиноятлари учун суд томонидан берилган имтиёзлардан хулоса қилмаганлари ҳолати ҳам алоҳида эътиборга олинди. Натижада ҳоким ёрдамчиси А.Ҳакимовга нисбатан жиноий ишлар бўйича Бойсун туман судининг 2025 йил 19 сентябрдаги ҳукми билан уч йил муддатга давлат ва давлат иштирокидаги корхона ва муассасаларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек, Н.Бозоровга нисбатан иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 10 (ўн) ой, Т.Мухибуллаевга нисбатан эса иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 10 (ўн) ой, 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хайриятки, судгача бўлган даврда судланувчилар томонидан фуқароларга ва банк-молия ташкилотлари манфаатига етказилган иқтисодий зарарларнинг аксарият қисми қопланиб, имтиёзли кредитлар эвазига белгиланган хизматлар кўрсатилишига улгурилди. Акс ҳолда уларнинг кейинги тақдирлари бугунгидан анча аянчли аҳволга тушган бўлиши ҳам мумкин эди...

**Ф.ҚУРБОНОВ,**
**Бойсун туман прокурори ўринбосари.**
**З.АМИРҚУЛОВ,**
**Бойсун туман прокурори ёрдамчиси.**

# AHOLI VA QISHLOQ XO`JALIGINI RO`YXATGA OLISH TADBIRLARI O`TKAZILADI

***2025-yil 21-sentabr kuni O`zbekiston Respublikasi Prezidentining “O`zbekiston Respublikasida aholi va qishloq xo`jaligini ro`yxatga olish tadbirini o`tkazish to`g`risida”gi PF-130-son Farmoni qabul qilindi.***

Farmonga ko`ra O`zbekistonda aholi va qishloq xo`jaligini ro`yxatga olish 2026-yil 15-yanvar holatiga ko`ra 2026-yil 15-yanvardan 28-fevralga qadar o`tkaziladi. Uning dastlabki 17 kuni internet orqali, keyingi bir oy mobaynida esa “mahalla yettiligi” ishtirokida uyma-uy yurib amalga oshirilishi belgilanmoqda. Mazkur usul orqali xarajatlar sezilarli qisqarib, 1,3 trillion so`m tejaladi. Shuningdek, ro`yxatga olish jarayonlari oddiy va shaffof tarzda tashkil etiladi. Savollarning soni ham avval rejalashtirilgan 328 tadan 71 taga qisqartirildi.

Ro`yxatga olish natijasida Yevropa statistiklar konferentsiyasining 2020 yildagi tavsiyalari asosida 38 million aholining tarkibi va migratsiyasi, oilaviy holati, faoliyat turi, daromad manbalari to`g`risida yagona ma`lumotlar bazasi shakllantiriladi.

Ta`kidlanganidek, ro`yxatga olish tadbiri “Mahalla yettiligi” tizimi xodimlarini 2026-yilning 15-dekabridan 2026-yilning 1-martigacha bo`lgan davrda jalb etish orqali o`tkaziladi. Bunda O`zbekiston mahallalari uyushmasi Milliy statistika qo`mitasi hamda mas`ul idoralar bilan birgalikda “Mahalla yettiligi” tizimi xodimlarining planshetlaridan foydalangan holda ro`yxatga olish tadbirlarini o`tkazishini ta`minlaydi. Shuningdek, davlat organlari va tashkilotlari 2026-yil 15-yanvardan 31-yanvargacha o`z tizimida faoliyat yuritayotgan barcha xodimlarning **sensvs.stat.uz** portalida ro`yxatdan o`tkazishni ta`minlaydi. Bundan tashqari, tuman (shahar)larda ro`yxatga olish shtablari tashkil etiladi va ularning faoliyati nazorat qilinadi.

Ro`yxatga olish jarayonida, shuningdek, mamlakatimizdagi qishloq xo`jaligi yerlaridan foydalanish holati, chorva mollari va parrandalar soni aniqlanadi. Bu orqali qishloq xo`jaligiga yo`naltirilayotgan yillik 25,6 trillion so`m, jumladan, 2,2 trillion so`m byudjet mablag`larining samaradorligi, sohadagi xizmatlar hajmi va oziq-ovqat xavfsizligini ta`minlash uchun zarur ma`lumotlar to`plami yaratiladi. Ro`yxatga olish jarayonlarini samarali amalga oshirish uchun “Mahalla yettiligi” maxsus o`quv dasturi asosida tayyorlanadi va rag`batlantiriladi. Buning uchun Jahon banki ko`magida amalga oshirilayotgan statistika tizimini mustahkamlash loyihasining mablag`lari yo`naltiriladi.

Ta`kidlash joizki, tumanimizda ham aholi va qishloq xo`jaligini ro`yxatga olish tadbirlari belgilangan muddatda tumandagi 39 ta mahallada o`tkazilishi kutilmoqda. Umuman olganda, mazkur tadbirlar aholi va qishloq xo`jaligining real ko`rsatkichlarini aniq belgilash, davlat dasturlarini maqsadli hamda samarali amalga oshirish uchun muhim ahamiyatga ega bo`ladi.

**Anvar SAIDOV, Boysun tuman statistika bo`limi boshlig`i.**

## ONA TILIM



Davr keldi o`z tilingda so`ylamoqlik,
O`zbekona odob bilan o`ylamoqlik.
Navoiyning hikmatlarin ko`zga surib,
O`z tilingni, o`z so`zingni anglamoqlik.

Chanqovuzning nolalari qay yurtda bor,
O`lan, lapar, aytishuvlar qay elda bor?
O`z elining hasratiyu qayg`ulari,
Terma qilib aytmoqlik ham o`zbekda bor.

Navoiyining baytlarining mag`zin chaqib,
Avloniyning kitobiga boshin qo`yib,
Har satridan olam-olam ma`no yig`ib,
O`z tilingni madh etguvchi zamon keldi.

**Umida ISKANDAROVA,**
**28-umumta`lim maktabining boshlang`ich sinf o`qituvchisi.**

## HALOLLIK – KORRUPSIYA DUSHMANI

**Halolik va poklik insonni farovon va xotirjam hayot sari yetaklaydigan, unga yorqin kelajak, halol rizq keltiruvchi go`zal fazilatlardan biridir.**

Avvalo oila, bundan tashqari tashqi muhitdan ham olinadigan bu kabi go`zal xulq-atvor bir kun kelib inson uchun jamiyatni boshqarish va davlat idoralarida faoliyat yuritish jarayonida uning halol rahbar va xodim sifatida nomini ulug`laydi va sharaflaydi. Afsuski bugun hayotimizda ba`zida uchrab turuvchi poraxo`rlik, ta`magirlik, firibgarlik, xizmat vazifasini suiste`mol qilishlik, oshna-og`aynichilik kabi "korrupsiya" degan umumiy nom bilan ataluvchi nopok harakatlarga yo`l qo`yish holatlarining tub zamiri yuqorida tilga olingan sof insoniy fazilatlardan uzoqlashib borayotganimizning oqibatidir.

Korrupsiya nafaqat alohida bir shaxs yoki sohaning muammosi, balki butun jamiyat taraqqiyotiga salbiy ta`sir ko`rsatadigan o`ta xavfli illatlardan biridir. Korrupsiya mavjud joyda adolat susayadi, imkoniyatlar tengligi buziladi va eng achinarlisi, yoshlarning kelajakka bo`lgan ishonchi so`na boshlaydi.

Har qanday mutaraqqiy davlatlarda bo`lgani kabi yurtimizda ham bugungi kunda bu illatga qarshi keng ko`lamli ishlar olib borilayotgani, jumladan, korrupsiyaviy holatlarning oldini olishning zamonaviy mexanizmlari hayotga tadbiq etilayotganligining guvohi bo`lyapmiz. Ayni paytda O`zbekiston Respublikasining "Korrupsiyaga qarshi kurashish to`g`risida"gi Qonuni qabul qilingan. Korrupsiyaviy holatlarga qarshi kurashish va oldini olishga ixtisoslashgan maxsus agentlik faoliyati yo`lga qo`yildi. Davlat boshqaruvida, ta`lim tizimida va biznes sohalarida ochiqlik va shaffoflikni ta`minlash bo`yicha zamonaviy mexanizmlar joriy etilmoqda. Ayniqsa, ta`lim muassasalarida o`tkazilayotgan "Halollik darslari" va targ`ibot tadbirlari yoshlarning ongida korrupsiyaga nisbatan nafrat uyg`otib, ularda halollik va mas`uliyat qadriyatlarini shakllantirishga xizmat qilmoqda. Bu esa kelajakda halol va vatanparvar kadrlarni tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.



Shu o`rinda korrupsiya nomli illatning eng katta dushmani bu - halollik ekani, binobarin halol turmush tarziga ega, o`zganing haqidan istihola qiluvchi inson hech qachon uning ko`chasiga kirib qolmasligini alohida ta`kidlashni xohladim. Korrupsiya illati ildizlab ketmasligi, butun jamiyatni halokatga solmasligi uchun har qanday davlat tashkiloti, ta`lim muassasalari, hatto har bir oilada halollik hayot tarzimizning asosiga aylanishi lozim. Aslida halollik barcha yaxshi amallarning asosidir. Bu asos darz ketgan joyda esa, bilingki, albatta korrupsiya degan ofat paydo bo`ladi. Natijada jamiyatning eng quyi qismidan yuqori bo`g`ingacha davlat resurslarini maqsadsiz sarflash, shaxsiy manfaat yo`lida talon-toroj qilish, aholining teng imkoniyatlardan foydalanish huquqining buzilishi, yoshlarning adolat va haqiqatga bo`lgan ishonchining yo`qolishi kabi og`ir oqibatlar yuzaga keladi. Bunday vaziyatda har qanday davlat boshqaruvi tanazzul holatiga kelib qolishi muqarrar.

Korrupsiyaga qarshi kurashish va bartaraf etishga faqat davlat idoralarining sa`y-harakati bilangina erishib bo`lmaydi. Unga har bir shaxs, o`zini tom ma`noda vatanparvar deb bilguvchi halol, vijdonan pok insonlarning barchasi birgalikda hamjihatlik bilan qarshi tursagina ko`zlangan ma`sadga yaqinlashamiz. Zero, qalbi poklik va yaxshilikka yo`g`rilgan inson hech qachon Vatani taraqqiyoti, xalqi farovonligi yo`lida amalga oshirilayotgan xayrli ishlar ijrosida xiyonatga yo` qo`ymaydi.

**Ro`zigul XOLMO`MINOVA,**
**Boysun tuman 1-sonli politexnikum direktori.**

IBRAT

## QORAQALPOQNING YAXSHILIK OTASI

***Inson hayoti shamchiroq kabidir: yonadi, atrofini yoritadi, ammo oxir-oqibat so'nadi. Biroq, uning yoritgan nuri, insonlarga baxsh etgan ezguligi va samimiyati hech qachon yo'qolmaydi. Hayot degan buyuk sinov maydonida har kimning o'rni, izi, qilgan ishlari bilan belgilanadi. Kimdir molu dunyo orttiradi, kimdir esa mehr va yaxshilik bilan insonlar qalbidan joy oladi. Chunki insonning haqiqiy boyligi — u orttirgan mablag'larida emas, balki u tarqatgan yaxshiliklaridadir.***

Ana shunday ezgu amallari, beqiyos insoniyligi bilan el yuragida o'chmas iz qoldirgan insonlardan biri — qoraqalpoq xalqining faxri, "yaxshilik otasi" nomini olgan Allaniyaz O'teniyazovdir. Uning hayoti — mehnat, mehr va fidoyilikdan to'qilgan bir umr dostonidir. U nafaqat o'z oilasi, balki butun xalq uchun otadek mehribon, bunyodkor, xalq xizmatiga bel bog'lagan inson edi. U har doim mehnatsevar edi. Paxta dalalaridagi tezkorligi uchun uni hatto "kombayn" ham deb atashgan. Ammo u hayotini shu qadar sermehnat va mazmunli kechirdiki, o`zini paxta maydonidagina emas, butun bir xalq qalbida abadiylashtirdi.

Aslida Allaniyaz O`teniyazov umrini ingliz tili o`qituvchiligiga bag`ishlagan. Ammo u faqat sinf xonasida emas, butun jamiyatda ustoz edi.Yordamga muhtoj insonlarga mehr qo`lini cho`zdi, yolg`izlar suyanchi , yetimlar otasi bo`ldi. Uning bunyodkorligi afsonaga teng. Bir o`zi 40 ta turar joy, 2 ta maktab, 2 ta bog`cha, 2 ta kasalxona va bitta kutubxona qurib berdi. Bu imoratlarning har bir g`ishtida uning teri, mehnati, eng muhimi ezgu niyati mujassam.Allaniyaz O`teniyazov 860 ming dona g`ishtni hech qanday texnologiyalarsiz, qo`l mehnati bilan quydi. Bu nafaqat kuch-qudrat, balki insoniylik va fidoyilik ramzi edi.



Keyinchalik u haqida yozilgan maqolalar yaxshilik otasi nomini keng dunyoga tanitdi. Uning insoniylik darsidan butun jahon saboq oldi. Hatto Kubaning prezidenti Fidel Kastro ham unga yuksak ehtirom bildirib, shunday degan edi: "Allaniyaz O`teniyazov, siz o`z insoniyligingiz va mehnatingiz bilan borliq odamlar bolasidan yuqorida turasiz". Bu so`zlarda naqadar haqiqat mujassam!

Bugun Allaniyaz O'teniyazov oramizda yo'q. Ammo uning ruhi bu zamin uzra hali ham yashamoqda — bolalar kulgusida, ilm maskanlarining shovqinida, mehrli insonlar nigohida. U yaratgan imoratlar g'ishtdan emas, ezgulik va fidoiylikdan qad ko'targan. Har bir devorida ter tomchilari, har bir burchagida esa mehrning nafasi seziladi. Vaqt o'tadi, yillar almashinadi, yangi avlodlar ulg'ayadi. Ammo yaxshilik abadiydir. Chunki u yurakdan yurakka o'tadi, qalblarda ildiz otadi, vaqt changiga yengilmaydi. Allaniyaz O'teniyazov esa ana shu abadiyatning timsoli bo'lib qoldi — u hayoti bilan odamzodga bir haqiqatni o'rgatdi: insonning eng katta boyligi – bu boshqalarga qilgan yaxshiligi. Bugun uning nomi faqat tarixda emas, har bir yaxshilik qilayotgan insonning amalida, har bir mehr qo'lini cho'zayotgan yurakda yashamoqda. Chunki u yaratgan yaxshilik nuri so'nmaydi — u har tong bilan birga yana porlaydi...

**Javohir ALIMOV,**
**Berdaq nomidagi Qoraqalpoq Davlat universiteti jurnalistika fakultetining 1-bosqich talabasi**

Таълим

## "ЖАДИДЛАР ИЗИДАН" ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

***Улуғ маърифатпарвар жадид боболаримизнинг меъросини ўрганиш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидан ибрат олиш ва тарғиб қилиш бугунги ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, уларнинг халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида кўрсатган жасоратларини қанча шарафласак, ўргансак оз.***



Юрт миллат ривожи ва тараққиёти учун ҳатто жонидан ҳам кечишга тайёр бўлган жадидларимизнинг адабий меъёримиз чуқур ўрганиш, биринчи навбатда миллий қадриятларимизни тиклаш, эъзозлаш билан баробардир. Зеро маърифатпарвар жадид боболардан қолган маънавий меърос ҳақли равишда миллий қадриятларимиздан ажралмас қисми сифатида эътироф этилган.

Бугун ёш авлод жадидлар мероси ва ҳаётини ўрганишлари учун барча имкониятлар яратилган. Деярли барча жадид боболаримизнинг асарлари чоп этилиб, улар ҳақидаги узоқ йиллар "махфий" тамғаси босилган маълумотлар очиқланган. Шулар қаторида жадидлар ижоди ва фаолиятини тарғиб қилувчи қатор маънавий тадбирлар, танловлар ўтказиб турилибди. Жумладан Республика Халқ Таълими Вазирлиги ташаббуси билан "Жадидлар изидан" Республика танлови мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Мазкур танлов доирасида яқинда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан танловнинг туман босқичи ташкил этилди унда сўз олган туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Эркин Абдураҳимов жадидлар фаолияти ва ҳаёти ҳақида қисқача маъруза қилиб, танловнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот бериб ўтди. Шундан сўнг тумандаги таълим муассасаларидан ташриф буюрган иштирокчи талабалар танлов низоми асосида жадид боболар асарларини билимдонлиги юзасидан ўз иқтидорларини синаб кўрдилар. Аксарият чиқишлар эса саҳнавий кўринишларда намойиш этилди. Жумладан танлов иштирокчилари томонидан юксак савияда ижро этилган шеърлар, рақслар танлов ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Танловнинг асосий қисми икки ёш тоифасида ташкил этилиб, иштирокчилар тест босқичида жадид адабиёти, тарихий маълумотлар ва миллий маънавиятга оид саволларга жавоб беришди. Якуний натижаларга кўра ғолиб ва совриндорлар туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан дипломлар, эсдалик ва қимматбоҳо эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

**Нормаҳмад ШАРИПОВ,**
**таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бойсун туман бўлинмаси Кенгаши раиси.**

## АЗ ГАНҶИ РОЙГОН

### ҲИКМАТ

Ду кас ранҷи беҳуда бурданд: -Яке он, ки мол андӯхту нахӯрд ва дигар он, ки илм омӯхту амал накард. Маснавӣ:

***Илм чандон, ки бештар хонӣ,***
***Чун амал дар ту нест, нодонӣ!***
***На муҳаққиқ бувӣ, на донишманд,***
***Чорпое, бар ӯ китобе чанд.***
***В-он тиҳимағзро аз он чӣ хабар,***
***Ки бар ӯ ҳезум аст ё дафтар!***

***

Олими нопарҳезгор кӯрест машъалаgдор: -

***Бефоида ҳар кӣ умр дарбохт,***
***Чизе нахариду зар бияндохт.***

***

***Се чиз бар се чиз пойдор набошад: мол бе тиҷорат, илм бе баҳс ва мулк бе сиёсат.***

***

Раҳм овардан бар бадон, ситам аст бар некон ва авф аз золимон, ҷавр аст бар дарвешон: -

***Хабисро чу таахҳуд куниву бинвозӣ,***
***Яқин бидон, ки гунаҳ мекунӣ ба анбозӣ.***

***

Бар дӯстии подшоҳон эътимод нашояд кард ва ба овози хуши кӯдакон ғарра набояд буд, ки он ба хаёл мубаддал шавад ва ин ба хобе мутағайир гардад: -

***Маъшуқи ҳазордӯстро дил надиҳӣ***
***В-ар медиҳӣ, он дил ба ҷудоӣ биниҳӣ.***

***

Сухан миёни ду душман чунон гӯ, ки агар дӯст гарданд шармсор набошӣ: -

***Дар сухан бо дӯстон оҳиста бош,***
***То надорад душмани хунхор гӯш.***
***Пеши девор он чӣ гӯйӣ, хуш дор,***
***То набошад дар паси девор гӯш.***

***

Он, ки бо душманон ба сулҳ бувад, сари озори дӯстон дорад:

***Бишӯй, эй хирадманд, аз он дӯст даст,***
***Ки бо душманонат бувад ҳамнишаст.***

***

Чун дар коре мутараддид бошӣ, он тараф ихтиёр кун, ки беозортар бароyд:

***Бо мардуми саҳлгӯй, душвор магӯй,***
***Бо он, ки дари сулҳ занад, ҷанг маҷӯй!***

## МАКТАБ – ПОЯИ ИЛМУ МАЪРИФАТ АСТ

***Пояи давлат набошад бе маориф устувор,***
***Давлати поянда хоҳӣ, рӯй бар мактаб биёр.***

Оиди мактаб устод Айнӣ бо як илҳоми тоза ва дилсӯзӣ мегӯяд: "Мактаб ҷоест, ки аз барои фоидаи мо сохтаанд. Ҷои ёд гирифтани илм мактаб аст. Мо бояд мактабро дӯст дорем. Ҳурмати мактабро нигоҳ дорем".

Ин суханони маърифатомӯзиро устод Айнии бузургвор беҳуда нагуфтаанд. Устод худ муаллим, шоир, нависанда ва сардафтари адабиёти муосир буданд, аз ин рӯ, азобу машаққати бисёреро дар роҳи тарғибу ташвиқи илму фарҳанг аз сар гузаронидаанд. Барои таълими насли наврас китобҳои бисёреро аз худ мерос гузоштаанд. Пас бар мо лозим аст, ки суханони ин абармарди шуҷоъу далерро шиори якумраи ҳаёти худ кунем. Чаро, ки онҳо ҳарчи гуфтанд, бар нафъи мо гуфтанд, то ки мо дар олами пуршӯру ғавғо, роҳи худро гум накарда пайрави бузургони худ бошем ва таҷрибаи ғании онҳоро, намунаи ҳаёти худ қарор диҳем.

Ҷамъият ва халқе, ки илму донишро қадр намекунад зуд ба парешонӣ рӯ меоварад ва дар гирдоби ҷаҳолат сарпеч хоҳад гашт. Устод Айнӣ дар идомаи ин андешаҳояш боз дар як шеъри хеш меафзояд:

***Мактаб сабаби ҳаёт бошад,***
***Мактаб сабаби наҷот бошад,***
***То дар ду ҷаҳон азиз бошӣ,***
***Бо донишу ботамиз бошӣ.***

Хонандагони азиз, биёед, ин андешаҳои устод Айниро дар роҳи дигаргуниҳои мактабу маориф дар мисоли кишвари худамон, ки чанде қабл аз ин, дар яке аз вохӯриҳояш Президенти кишварамон бо мураббиёну муаллимон бо ҳассосияти баланд иброз дошта буд, ба ёд орем.

Роҳбари давлатамон дар ин баромади хеш иброз дошт, ки дар баробари тараққиёти иқтисодӣ дар мамлакатамон соҳаи мактабу маориф бо суръати баланд пеш меравад, ки он боиси таҳсин аст. Нотиқ дар рафти маърӯзаи хеш таъкид кард, ки дар давоми ҳашт соли охир соҳаи мактабу маориф 6 маротиба аз солҳои пешин дигаргун гашт. Ин маблағҳо барои сохтмони мактаб, боғчаҳо донишгоҳҳо масраф гашта, дар баробари ин ба маоши кормандони ин соҳа нигаронида шуда буд.

–Воқеан, – таъкид намуд, роҳбари давлатамон. – Солҳои 2017 агар сохтмони боғчаҳо дар кулли маҳаллаҳои кишварамон 27 фисадро ташкил медод ва ҳоло ба 78 фоиз расидааст. Ин рақамҳои истиқболӣ бегуфтугӯ касро хурсанд хоҳад кард. Албатта, ин нишондодҳо бегуфтугӯ ғамхориҳои давлату ҳукуматро нисбати мактабу маориф нишон медиҳад. Дар идомаи суханрониҳояш роҳбари давлатамон иброз намуд, ки солҳои охир дар ҷумҳурӣ зиёда 500 мактаби замонавӣ сохта ба истифода дода шуд, ки дар он беш аз 1 миллион хонандагон бо синфхонаҳо таъмин шуданд.

Чуноне ки ҳамагон бохабаранд сафи аҳолӣ дар ҷумҳуриамон сол то сол меафзояд. Ин падидаҳо моро ҳушёр медиҳад, ки ба тақдири насли наврас бефарқ набошем. Баҳри ҳалли ин муаммоҳо кори имрӯзаро бояд бо фардо нагзорем. Дар сурати форигболӣ муаммоҳо аз паси муаммоҳо ғун гашта, оқибат корҳо дӯлоб хоҳанд гашт...



Президенти мӯҳтарам Шавкат Мирзиёев дар бисёр маърӯзаҳо, баромадҳои хеш таъкидан мегӯяд, ки наврасон ҷавонон оянда и моянд. Баҳри тарбияи онон мо, бояд фурсатро ғанимат дошта, ҳамеша бар он кӯшем, ки онҳо куллан аз мо дида, солим бардам ва донишманду доно ба воя расида, дар роҳи тараққиёти кишвар чунон нақше гузоранд, дигарон ба он ба чашми ҳавас нигаранд.

Ҳамагон огаҳанд, ки соли гузашта он коллеҷҳои навташкил шуда ба техникумҳои касбу ҳунаромӯзӣ табдил дода шуд. Донишҷӯён дар баробари маълумоти миёна соҳибкасб шуда, дар ин маскану маърифатӣ таҳсил хоҳанд гирифт.

Ба қарибӣ бо як писари шиноси деринам вохӯрдам. Дар рафти сӯҳбат иброз дошт, ки ӯ пас аз хатми донишгоҳи шаҳри Самарқанд муддате ба кори омӯзгорӣ машғул мешавад. Бо сабаби камбудани маош чанд муддат дар назди соҳибкасби қубурсозе сирри ин соҳаро омӯхта, пасон худаш мустақилона ба ин кор мепардозад. Дар муддати як сол дар шаҳр соҳиби хонаву дар ва мошини сабукрав мешавад. Мақсад аз овардани ин қисса дар он аст, ки агар шахс соҳибкасб бошад, ҳеҷ гоҳ дар зиндагӣ хор нахоҳад шуд. Ба ҳамин маънӣ роҳбари давлатамон иброз дошт, ки бояд ҷавонон соҳибкасб бошанд. Касбу кори хуб шахсеро соҳибобрӯ мегардонад. Бесабаб Низомии Ганҷавӣ нагуфта:

***Ҳунар омӯз, ки ҳунармандӣ***
***Даркушоӣ кунӣ, на дарбандӣ.***

Аз ин хотир, роҳбари давлатамон ин гуфтаҳоро таъкидан ба аҳли нишаст иброз намуда, онҳоро вазифадор намуд, ки дар шуури шогирдони хеш ҷой бояд кард, то ки онҳо дар зиндагӣ роҳи хешро пайдо карда ба одамон бештар наъфашон расад.

Аз фикрҳои болоӣ дар бораи мактабу маориф ва касбомӯзии бисёр санаду мисолҳои фаровонро овардан мумкин. Аҳли ҷамъият бидуни он наметавонад як қадаме пеш равад. Биёед, як ба гузаштаи худ назар афканем. Бобоёну падарони мо, ҳам дар давоми зиндагии хеш ҳаёташонро беҳуда нагузаронидаанд. Онҳо барои фарзандони худ, азобу машаққати бисёреро аз сар гузаронидаанд. Ба ҷангҳои хонумонсӯз, гуруснагӣ, сардию гармиҳои давру замони худ нигоҳ накарда, фарзандони баркамолро ба воя расониданд. Олимону орифони давру замони худро ҳар як миллату ҷомеъа дӯст дошта, онҳоро парвариданд. Зеро пешравии ҷомеъа бо мардуми фарҳангдӯст сурат мегирад. Ҷамъияте, ки илму олим надорад, ҳеҷ гоҳ давлати мутараққӣ шуда наметавонад. Як мисол меорем, аз таърихи гузашта. Пас аз фавти падар Саъдии Шерозӣ бепарастор монда, чанд муддат дар гирдоби бекасиҳо мемонад. Тағояш ин ҳолро дида, Муслиддини ҷавонро ба парастории хеш мепазирад. Он замонҳо бо ибтикории вазири аъзами Салҷуқиён Низомулмулк дар Бағдод мадрасаи бошукӯҳе бино карда, дар он ҷо беҳтарин олимон ва мударрисони ҳамадонро ғун мекунад. Дар як муддати мадиде ин мадраса дар қаламрави Арабу Аҷам шӯҳратёр мешавад. Тағои маърифатпарвари Муслиддин ҷияни худро ба ин мадраса баҳри таҳсил мефиристад ва тамоми шароитҳо моддиро ба зиммаи хеш мегирад. Муслиддини ҷавон дар баробари ин ғамхориҳо чунон ба омӯзиши сабақи устодонаш шурӯъ мекунад, ки дар муддати кӯтоҳ ҳамчун толибилми боистеъдод дар ин қаламрав маълуму машҳур гашта, писанди устодони ин мадрасаи шӯҳратёр мешавад.

Овозаи доништалабӣ ва истеъдоди ин толибилми ҷавон ба Шероз мерасад. Шӯҳрати ӯ чунон овозаву дарвоза мегардад, ки он ба гӯши подшоҳи шаҳри Шероз Саъдӣ бинни Занг мерасад. Подшоҳ ба мулозимҳояш таъкид мекунад, ки чун Муслиддин ба таътил ба Шероз ояд, ӯро ба дарбор даъват кунанд. Чун таътили Муслиддин фаромерасад ӯ ба Шероз меояд ва ӯро ба назди подшоҳ Саъдӣ бинни Занг даъват мекунанд. Подшоҳ Муслиддинро дар иҳотаи олимон, муфассирони Қуръон, шоирону муаррихон имтиҳонаш мекунанд. Ӯ ба саволҳои аҳли дарбор ҷавобҳои саҳеҳ дода, онҳоро дар назди подшоҳ лол мегардонад. Подшоҳ аз ин лаёқати фавқулодаи Муслиддин аҳсанҳо гуфта, дар назди ҳамагон ваъда медиҳад, ки ӯ як умр илм омӯзад, олими бузруг гардад, тамоми хароҷоти рӯзгори ӯро вай ба зимма хоҳад гирифт. Агар ӯ ин дунёро реҳлат кунад, ин корро фарзандонаш ба зимма хоҳанд гирифт. Ҳамин тариқ, Муслиддин як умр ба илмомӯхтан шуғл меварзад ва хароҷоти рӯзгори ӯро Саъдӣ бинни Занг бе ҳеҷ гуфтугӯ ба зимма мегирад. Ҳамин тариқ бо кӯмаки ин подшои саховатпеша ва фарзандонаш ӯ бардавом мехонад, илм меомӯзад, машҳури ҷаҳон гашта, китобҳои оламшумули хеш "Гулистон" ва "Бӯстон" ва девони ғазалиётихешро меофарад. Ба хотири сипоси нону намаки ин подшоҳ саховатпеша шоир тахаллуси ин подшоро ба худ мегирад, ки то ҳануз вирди забонҳои оламиён гаштааст.

Мо аминем, ки насли наврас аз ин навиштаҳо заррае бошад ҳам, панде бардошта дар роҳи илму маърифатомӯзӣ чун Саъдии бузургвор ба эҳтирому этиқоти одамон сазовор мегарданд. Ин ҷо лозим донистем, аз "Гулистон" ин шоири бузург чанд намунае пешкашатон гардонида, умед дорем, ки шумо аз ин ганҷи ройгон баҳра мебардоред.

**Шавкат АБДУРАҲМОНОВ.**
**Нуралӣ РАҶАБ.**

# ШЕВА СОЯСИДА ҚОЛАЁТГАН АДАБИЙ ТИЛ

*Бугун телевизорни ёқсангиз кўрсатувлар деярли шевада, радио тингласангиз – суҳбат шевада, ижтимоий тармоққа кирсангиз – видео, пост, комментариялар бари аралаш-қуралаш, ҳатто эндиликда қўшиқлар ҳам шевада ижро этиляпти. Гўёки шева “тренд”га айланган, адабий тил эса унинг соясида қолиб кетгандек.*

Дарвоқе, шева ёмон эмас. Дунёда неча мамлакат, халқ ва элат борки мулоқотда ўзига хос шевалар мавжуд. Ҳатто ўнлаб, юзлаб шевага эга миллатлар ҳам бор. Аслида, шева тилнинг илдизи, халқнинг, миллатнинг маънавий бойлиги. Аммо у адабий тил ўрнини эгаллаши керак эмас. Чунки эфирда, омма олдида, расмий мулоқотда сўз юритиш ва расмий ҳужжатлар юритиш мезони – бу адабий тил бўлиши лозим. Айниқса, оммавий ахборот воситалари – тил маданиятининг тарғиботчилари, том маънода намунаси бўлишлари керак. Телевизор, радио орқали айтилган ҳар бир сўз миллионлаб инсонларга етиб боради. Энди ўйлаб кўрайлик, агар болаларимиз, ёшлар ҳар кун шевада гапираётган бошловчиларни, кўча-кўйда, иш жойларида шевада мулоқот қилаётган зиёлилар, ўқитувчиларни эшитаверса, қандай қилиб адабий тилни ўзлаштира олишади?

Ижтимоий тармоқларда аҳвол янада жиддий: ҳар ким билганини хоҳлаганича ёзади. Фақат шевада ёзиб, шевада гапирса қани эди, ҳатто жаргон сўзлар, ибораларни қўллаш, умумэътирофда бўлмаган ҳақоратли, уят сўзларни ишлатишдан ҳам уялмай қўйдик. Кўпчилик ўзича бошқачалар тушуниши қийин бўлган “янги” сўз, “янги” ибора ясашга ҳам уриниб кўради. Пировардида бу каби шевага ўхшаган, аслида ҳеч қайси бир тил қоидасига сиғмайдиган аралаш нутқлар тилимизни бузибгина қолмай, уни оддий мулоқот воситасига айланиб қолиши, ҳатто “кўча тили”га айланишига олиб келади. Ваҳоланки, тил – бу оддий восита бўлмай, миллат маданияти, маънавияти ва ифтихорини белгиловчи энг асосий воситалардан биридир.

Матбуот ва телевидение, оммавий мулоқотлар жараёнидаги сўзлашув муносабатларини кузата туриб, яна бир хавфли ҳолатларни ҳам сезиш мумкин. Расмий мулоқотларда кўпроқ шевада сўзлашга берилиб кетиш оқибатида аввало шеваларнинг ўзи ҳам зарар кўраётгандек. Бунда мутлақ кўпчилик маҳаллий халқ тилида ишлатиладиган шевалар телевидение, радиоэшиттиришлар ва жамоат жойларида мунтазам ишлатилиши натижасида озчилик маҳаллий халқ ишлатадиган шевалар аста-секин муомаладан йўқола бошлади. Масалан, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда Тошкент шеваси устун бўлгани боис ҳатто ўзимизда (масалан Бойсунда) ҳам маҳаллий ёшлар орасида Тошкент шевасини ишлатиш урфга айланмоқда. Бу тенденция охир-оқибат неча минг йиллик тарихга, ўзига хос жозибага эга Бойсун ёки Сурхон шевасининг йўқолишига сабаб бўлиши мумкин. Ваҳоланки, таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, миллатнинг тил бойлиги энг аввало, шеваларнинг кўплиги, ранг-баранглиги билан белгиланади.

Биз учун мулоқотда одатий тил ҳам, шева ҳам ўта муҳим. Фақат уларни жойида ишлатиш, адабий тил ва шевада гаплашиш талаби ҳамда нормаларига амал қилишга кўникишимиз керак, холос. Тил тақдири – миллат тақдири. Бугун қандай сўзласак, эртага шундай ўйлаймиз, ёзамиз ва яшаймиз. Шундай экан, аввало, тилшунослар, ОАВ ходимлари, маънавият-маърифат ходимлари, санъаткорлар, ўқитувчилар, умуман тилимиз софлиги ҳақида қайғурувчи ҳар бир инсон борки адабий тил ва шевада сўзлаш одоби, маданиятини тарғиб қилишга ўзларини масъул деб билишлари лозим. Айниқса, бугунги ёшларга адабий тил ва шевалардан фойдаланиш меъёрлари, улардан мақсадли фойдаланиш ҳар жиҳатдан адабий тилни ҳам шева ва лаҳжаларни ҳам асраш, бойитиб боришга хизмат қилишини тушунтириб бориш керак. Масалан, бу борада рақамли технологиялар асосида ёшлар орасида тил маданиятини ривожлантириш қулай ва осонроқ кечиши мумкин. Чунки, бугунги кун ёшлари кўпроқ замонавий рақамли технологияларга таянишади. Шундай экан интерактив иловалар ёрдамида адабий тилни тарғиб қилган афзалроқ. Айтайлик, ёшлар учун бу платформада турли хил ўйинлар орқали адабий тилни ривожлантириш, тарғиб қилиш осонроқ.



Мазкур мақолада келтирилган мулоҳазаларим билан адабий тил ёки шеваларни бир-биридан у ёки бу даражада устун ёки паст қўйиш ниятида эмасман. Фақат адабий тил шевалар ва кўча тили соясида қолиб кетмасин демоқчиман, холос. Қолаверса, адабий тил пировард натижада давлат тили сифатида ҳам доимо эътиборда бўлиши керак деб ўйлайман. Зотан, уни авайлаш, адабий тилда мулоқот қилиш нормаларига амал қилиш натижасида биз мамлакатимизда амалда бўлиб турган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”-ги қонуни талабларига риоя қилган бўламиз.

**Марварид РАВШАНОВА,**
**4-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

# АВЛОДЛАРНИ БОҒЛОВЧИ МАЪНАВИЙ КЎПРИК

***Тил инсон тафаккурининг, миллат руҳининг асосидир. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг асл маънавий қиёфаси, урф-одатлари ва қадриятлари айнан тил орқали намоён бўлади. Дунёдаги деярли барча миллатларда тил онага қиёсланиши ва ҳар бир шахс ўз тилини “она тилимиз” дея таърифлашининг ўзи тил башарият учун нечоғли улуғ қадрият эканлигини англатади.***

Бизнинг она тилимиз – ўзбек тили ҳам асрлар давомида ўзининг бой лексикаси, сўз бойлиги ва бадиий ифода имкониятларининг кенглиги билан дунё тиллари орасида ажралиб турган. Бу тилда ёзилган асарлар, яратилган қўшиқлар ва халқ оғзаки ижоди авлодларни бирлаштириб, халқимиз маънавий ришталарини мустаҳкамлаб келган. Тил нафақат алоқа воситаси, балки миллатларни бирлаштирувчи куч сифатида ҳам қадрлангани боис улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий “Тил – робитаи оламиёндур” дея таъриф берганлар.

Тилни билиш ва тилни эъзозлаш – бу, энг аввало, тарихни билишдир, чунки тилимизда муомалада бўлган ҳар бир сўз бу – тарихнинг, халқимиз, миллатимиз ўтмишининг бизга қолдирган олтин мероси – маънавий бойлигимиздир. Шу маънода биз қанчалик кўп сўз билсак халқимиз, миллатимизнинг ўтмиши, бугуни ҳақида кўпроқ маълумотга, тасаввурга эга бўламиз. Балки шунинг учун бўлса керак, одатда она тилини авлодларни боғловчи кўприк сифатида талқин этишади.

Биз фахрланадиган томони шундаки, ўзбек тили жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, у туркий халқлар қадриятининг асосларидан бири сифатида эътироф этилади. Негаки, ўз даврида Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий каби туркий дунё алломалари мана шу тилда нафақат туркий халқлар, балки умумбашарият маънавий бойлигини тўлдиришга арзирли беқиёс асарлар яратганлар. Уларнинг асарлари орқали бугунги кунда ҳам биз она тилимизнинг қудрати, нафосати ва ифода имкониятларини ҳис этамиз, тасаввурга эга бўламиз.

Собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида турли таъқиблар, хўрланишларни бошидан кечирган она тилимиз мустақиллик йилларида яна ўз мавқеини тиклади. Бугунги кунда у расман давлат тили сифатида дунё минбарларида жаранглаяпти. Деярли кейинги юз йил давомида бизни унутган дунё назарига айнан она тилимиз орқали тушдик, дунё бизни тилимиз орқали қайта таний бошлади. Маълум бир муддат ўзга тилда сўйлаб, ўз она тилимизни унутиш оқибатида дунё назаридан қолганимиз, дунё бизни унутаёзгани, рўйи заминда тилсиз миллат, халқ - халқ бўла олмаслигининг ҳаётда акс этган намунасидир.

Шу ўринда бугунги кунда она тилимизга бўлган эътибор, муносабат ҳақида ҳам бир-икки фикр билдириб ўтмоқ мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Одатда ҳар бир халқ, миллат учун тил ҳамиша эътиборга, ҳимояга муҳтож бўлади. Шу жумладан, бизнинг она тилимиз ҳам. Масалан, бир-гина она тилимиз ҳақида баландпарвоз гаплар гапириш билан биз уни севган, эътироф этган, эъзозлаган бўлмаймиз. Она тилимиз жарангдор, сўзга бой ва умрбоқий бўлиши учун энг аввало биз унинг софлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилшимиз зарур. “Биз” деганда мен барчани, деярли барча қатлам ва ёшдаги кишиларни назарда тутяпман. Масалан, бу талабга энг аввало оилада амал қилишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ота-оналар болаларининг тили чиқиш жараёнидаёқ уларни бурро гапириш, сўзларни ишлатиш, ифода этиш ва талаффузда хатога йўл қўймасликларини назорат қилишлари керак. Бу жараёнда оилавий китобхонлик жуда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Мактабда эса бошланғич синфларданоқ ўқувчиларни адабий тил нормаларига амал қилишга ўргатиш шарт. Айниқса, бугунги кунда ҳаётимизга замонавий ахборот технологиялари кириб келиши муносабати билан тилимизга кераксиз хорижий сўзларнинг кириб келиши ва уларни билиб-билмай истеъмолга киритиш ҳолатларидан мактаб ўқувчиларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўриш, жумладан, ўша янгидан кириб келган хорижий сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобилини топиб ишлатишга ҳаракат қилиш лозим. Негаки, хорижий сўзларни меъёрдан ортиқ ишлатиш охир-оқибат она тилимизни ифода имкониятлари чекланишига олиб келувчи хатарга айланиши муқаррар.

Болаларга она тили фани сабоқларини сифатли даражада бериш ёшларга она тили сирларини ўзлаштиришлари учун энг асосий машғулот ҳисобланади. Чунки бу дарсларда она тилимизнинг нафақат грамматик қоидалари, балки фикрлаш, ифода, сўз танлаш маданияти шакллантирилади. Пировард натижада ўз она тилини мукаммал ўзлаштирган талабанинг бошқа фанларни ўзлаштириши ҳам осонлашади ва барча йўналишларда билим даражалари кескин ортади, фанларни ўзлаштириш лаёқати яхшиланади.



Таъкидлаш жоизки, тил маданияти жамият маданиятининг ажралмас муҳим қисмидир. Эътибор қилган бўлсангиз тоза, ифодали, мазмунли сўзлаш маданиятига эга шахслар ҳамиша омма, жамият эътиборида бўлади. Тил маданияти устун бўлган халқларда хуштавозелик жуда юқорилиги, сўзлашувда ҳар хил жаргон сўзларни ишлатишдан тийилиш, муомала маданиятининг устунлиги сезилиб туради. Масалан, Япония, Корея, Хитой каби муомала маданияти олий даражада ривожланган давлатларда бундай юксак қадриятларга фақат тил маданиятини юқори даражада ўзлаштирилгани ва тил маданиятига қатъий амал қилиш орқали эришилган.

Аслида тилни қадрлаш, тил маданиятини ҳар нарсадан устун қўйиш ва унга амал қилиш аждодларимиз тажрибаси мисолида биз учун бегона эмас. Фақат бугунги авлод вакиллари – сизу биз аждодларимиз тажрибасида синалган ўша қадриятларимиз – она тилимизга бўлган юксак эътибор ва эътирофдек ибратли қадриятларимизни бугунги ҳаётимизга олиб кирсак бас.

**Аброр ХОЛБОЕВ,**
**62-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

## БУРЧ ҲИССИ



Муқаддас Ватаним – чашмаи илҳом,
Буюкларга бешик – қилай эҳтиром.
Гардингни кўзимга суриб субҳу шом,
Меҳринг дилда доим сақлагим келар.

Улуғ зотлар юрган равон йўлим бор,
Белимда белбоғим, ор-номусим бор.
Токи қувватимда толмас қўлим бор,
Ватан, бир корингга ярагим келар.

Даркор эмас асло ўзга берган бахт,
Янтоғинг оралаб юриш ҳам бир бахт,
Хизматингга чопиб ўтказмасдан вақт,
Берган нон-тузингни оқлагим келар.

Дуосин олиш-чун қутлуғ элимни(нг),
Ҳиммат камари-ла сиқиб белимни,
Бахшида этиб бу жону танимни,
Сени балолардан асрагим келар.

Азалдан шуҳратинг оламга машҳур,
Жаҳонда ҳамиша озод бўлиб тур,
Номингни айтишдан қилиб зўр ҳузур,
Сени дунёларга кўрсатгим келар.

Асрасин то абад Парвардигорим!
Таянчим, қувончим, ўзингсан борим,
Тилимдан тушмасин маҳду алёрим,
Шанингни бир умр куйлагим келар.

Гўзал ва бетакрор, тан ичра қоним,
Жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!
Имкон берди менга озод замоним,
Парвозга қанотим ростлагим келар.

**Нормуҳаммад ЖЎРАЕВ,**
**55-сон умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

# ЁШ ВОЛЛЕЙБОЛЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

**Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги вазифа бўлиши қаторида ҳар бир ташкилот, корхона ва муассасалар зиммасидаги алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалардан бирига айланган.**

Вазирликлар, жамоат ташкилотлари кесимида ўтказилган болалар спортини ривожлантиришга қаратилган турли даражадаги мусобақалар, айтиш жоизки, соғлом авлод таълим-тарбиясида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳар йили мунтазам ўтказиб келинадиган тадбирлардан бири эса ички ишлар органлари томонидан ташкил этилган бир неча босқичдаги кубог ўйинлари мусобақаларидир.

Куни-кеча одатдаги анъанага кўра туманимиз таълим муассасаларининг 5-6-синф ўқувчилари ўртасида воллейбол бўйича “Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси кубоги” мусобақасининг туман босқичи ўтказилди.

Қизиқарли ва кескин курашлар асосида ўтган мусобақа жараёнида ҳар бир мактаб воллейболчилар жамоаси ғолиблик учун давогар эканликларини исботлашга ҳаракат қилишди. Айниқса, ўғил болалар жамоасида ҳам қиз болалар жамоасияяда ҳам кучли учликка давогарлар қишлоқ мактабларидан бўлиб чиққани, спортнинг воллейбол тури шаҳар мактабларидан кўра қишлоқ мактабларида кенгроқ ривожланганлигини яна бир бор кўрсатди. Бунинг исботи ўлароқ таъкидлаш мумкинки, ўғил ва қиз болалар жамоаларидан жаъми энг яхши учликдан ўрин олган 7 та жамоанинг бештаси қишлоқ мактаблари жамоалари бўлиб чиқди.



Мусобақа натижаларига кўра эса ўғил болалар ўртасидаги синовда 5-сон мактаб жамоаси 1-ўрин, 31-сон мактаб жамоаси 2-ўрин ҳамда 62- ва 37-сон мактаб воллейболчилари жамоаси 3-ўринга муносиб кўрилди. Қиз болалар ўртасида эса 28-49-38-сон мактабларнинг ёш воллейболчи қизлари мос равишда 1-2-3-ўринларни олиб, кубок мусобақасининг вилоят саралаш ўйинларида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди.

*Ғолиб ва совриндор жамоалар мусобақа ташкилотчилари томонидан махсус дипломлар билан тақдирланди.*

**Нодира ЖЎРАҚУЛОВА.**

# TIL YASHASA, MILLAT YASHAYDI

***Til insonlarning bir-biri bilan muloqot qilish zaruriyati natijasida vujudga kelgan. Har bir xalqning o`z tili bor.***

O`zbekistonimizda 1989-yil 1-oktyabrda el-yurtimiz asrlar davomida orzu qilib, intilib va kurashib kelgan davlat tili haqidagi qonun qabul qilindi. Aynan shu hujjatga asosan o`zbek tili mustahkam huquqiy asos va yuksak maqomga ega bo`ldi.

Bugun mamlakatimizda olib borilayotgan siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, ma`naviy-ma`rifiy islohotlarning barchasi o`zbek tili asosida yuritilmoqda. Bir paytlar rus tili aralashib, o`z jilosini yo`qotayozgan tilimiz bugun xalqaro minbarlarda baralla yangramoqda. Bugungi kunda dunyoda besh mingdan ortiq til mavjud. Ularning ba`zilari kundan-kun yo`qolib bormoqda. Bizning ona tilimizda esa hozirgi kunda 50 milliondan ortiq insonlar muloqot qiladilar.

*Barcha hukm qilganlarni yoqtirmadim,*
*She`r yozdimu bo`lak ishni qotirmadim.*
*Tilim turib o`z tilimda gapirmadim,*
*Bir eslasam eziladi bag`ri dilim,*
*Ona tilim, kechir meni ona tilim.*

Bu misralarda faqat sevimli shoirimiz Muhammad Yusufning emas, bir paytlar o`z tilida emin-erkin gapirolmagan butun xalqimizning dardu hasratlari bor. Ollohga shukrki, bugun o`z ona tilimizda ravon so`zlayapmiz, o`qiyapmiz, ilm olyapmiz. Va buning barobarida chet tillarini ham o`zlashtiryapmiz.

Shuni aytib o`tish joizki, bugungi kunda adabiy tilda emas, ko`proq shevada gaplashamiz. Hatto televideniyeda namoyish etilayotgan ko`rsatuvlar, kinolar, telenovellalarda shevada gaplashishadi. Sheva har bir hududning o`ziga xos muloqot tilidir, uni ommaviy axborot vositalarida ishlatish adabiy tilimizga soya soladi. Xayriyatki, gazeta-kitoblar, bosma nashrlar adabiy tilimizni saqlab, hurmatlab kelyapti. Buning uchun ulardan minnatdor bo`lishimiz kerak. Istardimki, biz maktabda, ko`cha-ko`yda ustozlarimiz, do`stlarimiz bilan adabiy tilda muloqot qilsak, o`zbek tilimizning jozibadorligini asragan, uning rivojiga hissa qo`shgan bo`lardik. Alisher Navoiy bobomiz bekorga aytmaganlar: “Tilga ixtiyorsiz – elga e`tiborsiz!” Bu hikmatda olam-olam ma`no bor. Til yashasa millat yashaydi, rivojlanadi.

***Ona tilim, sen borsan, shaksiz,***
***Bulbul kuyin she`rga solaman.***
***Sen yo`qolgan kuning, shubhasiz,***
***Men ham to`ti bo`lib qolaman…***

Bugun biz yer yuzida o`zligimiz, o`z tilimiz, o`zbek degan nomimiz bilan mavjudmiz. Avvalo o`z ona tilimizni yaxshi o`zlashtirsak, boshqa tillarni ham o`rganishimiz, tushunishimiz oson kechadi. Ona tilimizga har xil chet so`zlarni, shevayu jargonlarni aralashtirsak Abdullo Oripov aytganidek bir kun to`ti bo`lib qolamiz.

Tilimizga davlat maqomi berilganliging 35 yilligi munosabati bilan bizga ona tilimizni o`rgatayotgan, qalblarimizga vatanparvarlik urug`ini sochayotgan ustozlarimizga minnatdorchilik bildiraman.

**Jasmina QAYUMOVA,**
**Boysun tumanidagi ixtisoslashtirilgan maktabning 9-sinf o`quvchisi.**

# ҚАБРИСТОН ОБОД – РУҲЛАР ШОД

**Яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз маҳаллаларда тозалик ва озодаликка эътибор сусайиб кетганлиги юзасидан танқидий фикр билдирар эканлар “Маҳалланинг озодалиги шу ерда яшаётган аҳолининг “юзи” дея таъкидлаб ўтдилар.**

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари кейинги бир ой давомида маҳаллалар ҳудудида “маҳалла еттилиги” ва аҳоли ҳамкорлигида тозалик ва озодалик, кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш учун тозалик ва озодалик ойлигини эълон қилдилар.

Бизнинг Арикусти маҳалламизда тозалик ва озодаликка доимо алоҳида эътибор билан қараб келинган. Бу борада, айниқса, маҳалла нуронийлар маслаҳат Кенгаши аъзолари ҳамиша бошқош бўлган ҳолда ҳудудларни ободонлаштириш, ҳар бир хонадон, ҳар бир кўчада озодаликни таъминлашга қаратилган тадбирлар, ҳашарлар ўтказиб туришибди. Яқинда эса Президентимизнинг тозалик ва озодалик ойлигини ўтказиш тўғрисидаги таклифларидан руҳланиб, нуронийлар бошчилигида маҳалла ҳудудидаги қабристонни ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Аслида қабристон ҳамиша обод ва саришталик таъминланган жой бўлиши керак. Шунинг учун ҳам маҳалламизда қабристон ҳудудини доимо тоза-озода тутиш, кўкаламзорлаштириш одат тусига кирган. Муқаддам ҳомийлар ва аҳоли кўмагида қабристон ҳудудини кўкаламзорлаштириш мақсадида юзлаб арча, тут ва бошқа манзарали дарахтлар экилиб, уларни парваришлаш учун махсус масъуллар белгиланганди. Ҳомийлар ёрдамида қабристон ҳудудида 20 тонналик сиғимга эга ёпиқ сув ҳавзаси барпо этилиб, дарахтлар ва гуллар мунтазам суғориляпти. Савобталаб инсонлар ўз ихтиёрлари билан ҳафтада икки-уч марта машинада сув келтириб туришибди. Маҳалламизнинг собиқ фуқароси, бугунги кунда Термизда фаолият кўрсатаётган таниқли шифокор Ҳамроқул Мустафоқулов эса ўз шахсий маблағи ҳисобидан металл конструкция айвон қуриб бериб, яқинларини хотирлаш учун келиб турувчи зиёратчилар учун қулай шароит яратиб берди.

Тозалик ва озодалик ойлиги бўйича белгиланган ишлар доирасида “маҳалла еттилиги” ҳамда Бозор Юсупов бошчилигидаги Нуронийлар маслаҳат кенгаши аъзолари иштирокида қабристонда бир неча кун мобайнида ҳашар ташкил этилди. Тадбир давомида қабристон ҳудудидаги асосий йўлакнинг катта қисми бетон қилиниб, таъмирланди. Шу ерда марҳумларни қўйиш маросимида одамларга қулайлик яратиш мақсадида йигирмага яқин қўшимча бетон ўтирғичлар барпо этилиб, улар қор ва ёмғирга бардошли бўёқлар билан бўяб чиқилди. Дарахтларга шакл берилиб, қабристон ҳудуди хас-хашаклар, турли чиқиндилардан тозаланди. Қабристон атрофидаги симтўр тўсиқлар қайта тартибга келтирилди. Айни пайтда қабристон ҳудудига ёритқичлар ўрнатиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.





Халқимизда “Қабристон обод – руҳлар шод” деган ибора бор. Ёши улуғ нуронийларнинг нақл қилишича, бир замонлар қабристонларнинг аҳволига қараб ўша ҳудуддаги инсонларга баҳо беришган экан. Бу каби пурҳикмат қадриятлар, одатлар бугун ҳам ҳаётимизга кириб келяпти. Зеро, қабристонга бўлган эътибор ўтган яқинларимиз руҳларига бўлган ҳурматимиз, эътиборимизни билдиради.

**Тўлқин МУРТАЗОЕВ,**
**Арикусти МФЙ раиси.**

## ЭЪЛОНЛАР

Шеробод 2-ТРИБ томонидан Нурбоев Илёс бошқарувидаги “Кобалт” автомобили олд давлат рақами 75Y 231WA тушириб қолганлиги (йўқолганлиги) сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шеробод 2-ТРИБ томонидан Хўжаев Мамасаид номига берилган АВ-092799 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“Бойсун” газетаси ижодий жамоаси матбаа меҳнат фахрийси Хурсанд Хўжамиёровга ўғли **Умиджоннинг** бевақт вафоти туфайли чуқур ҳамдардлик билдириб, марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига сабри жаъмил тилайди. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!


BOYSUN

MUASSISLAR: Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR Davron ORIPOV

NAVBATCHI: Azamat G`AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

(t) - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.